



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 18 » yanvar

№ 30

Toshkent sh.

### Истеъдодли ёшларни қўллаб-кувватлаш “Улуғбек” жамғармаси фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларнинг ташабbusларини қўллаб-кувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш, уларни илмий-техник фаолиятга кенг жалб қилиш, иқтидорли ёшларнинг, жумладан, олис худудларда истиқомат қилаётган йигит-қизларнинг билим, кўникума ва малакасини ошириш, инновацион ғояларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишга қаратилган ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Истеъдодли ёшларни қўллаб-кувватлаш “Улуғбек” жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) олий органи – Конференцияси томонидан **Жамғарманинг янгиланган тузилмаси** 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланганлиги инобатга олинсин:

иқтидорли ёшларни излаб топиш, истеъдодини рўёбга чиқариш ва уларни қўллаб-кувватлашга кўмаклашиш;

давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда уларни илмий-техник фаолиятга кенг жалб этиш тизимини йўлга қўйишда иштирок этиш;

иқтидорли ёшларнинг, жумладан, Жамғарма томонидан ўтказилган танловлар ғолиблари, Президент гранти ва номли стипендиялар, “Ўзбекистон учун 100 ғоя” лойиҳаси совриндорларининг илмий-техник ишланмалари, ғоя ва ташабbusларининг амалиётга жорий этилишини қўллаб-кувватлаш;

давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда “Мирзо Улуғбек ворислари” республика танловини ташкил этиш, шунингдек, соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда ушбу танловлар ғолиби бўлган иқтидорли ёшларни мақсадли ўқитиш;

иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар захирасини шакллантиришда қатнашиш;

илм-фан ва таълимга оид рисолалар, буклетлар ва бошқа адабиётларни нашр этиш ва тарқатиш.

3. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг **2022** йилдан бошлаб ҳар йили иқтидорли ёшларни кашф қилиш ва уларни қўллаб-кувватлашга қаратилган “**Мирзо Улугбек ворислари**” республика танловини (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки:

а) Танловнинг:

**1-босқичи** февраль-март ойларида туман (шаҳар)ларда ўтказилади ваунда энг юқори натижага эришган ҳар бир туман (шаҳар)дан **5 нафардан**номзодлар 2-босқичга йўлланма олади;

**2-босқичи** апрель ойида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилади ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳар биридан энг юқори натижага эришган **20 нафар** ёш навбатдаги босқичга йўлланма олади;

**3-босқичи** май ойида ўтказилади ваунда энг юқори натижага эришган **100 нафар** ёш танловнинг республика босқичи **ғолиби деб топилади**;

**1, 2 ва 3-босқичлар ғолиблари** тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг 5, 10 ва 20 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти ва диплом билан тақдирланади;

республика босқичи ғолиблари Жамғарма томонидан ташкил этиладиган **мақсадли ўқув курсларида бепул таҳсил олади**. Ўқиши мувваффақиятли тамомлаган ёшлар ҳудудлар бўйича ишлаб чиқариш ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларига ихтиёрийлик асосида бириктирилади ҳамда “Ёшлар академияси” ва “Келажак лидерлари клуби”га жалб этилади;

б) танлов Жамғарма томонидан Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўтказилади;

в) танловнинг 1 ва 2-босқичларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, ушбу босқич ғолибларини тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан белгиланган тартибда ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

4. “**Мирзо Улугбек ворислари**” республика танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

5. Инновацион ривожланиш вазирлиги Танловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш, унинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш билан боғлиқ харажатларни ҳар йили, шунингдек, Жамғармада илм-фан ривожланишининг истиқболли йўналишларига мос замонавий лаборатория ҳамда инновацион кичик босмахонани ташкил этиш харажатларини Инновацион ривожланиш

вазирлигининг Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб борсин.

6. Жамғарманинг Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда бошқа ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда “Истеъодли ёшлар ахборотномаси” илмий-амалий электрон журналини ҳамда “Мирзо Улуғбек ворислари” электрон порталини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, “Мирзо Улуғбек ворислари” электрон порталаида истеъодли ёшларнинг электрон базаси шакллантирилади, ўқув курслари битирувчиларининг рейтинги жорий этилиб, инновацион ғоялари ва илмий-техник ишланмалари баҳолаб борилади.

7. Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг ушбу жамоат фондига **2022 йилнинг 1 февралидан бошлаб** Жамғармани сақлаб туриш ва унинг фаолиятини самарали ташкил этиш учун давлат субсидияси ажратиш тўғрисидаги таклифи маълумот учун қабул қилинсин.

8. Қўйидагилар Жамғарма фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгиланганлиги инобатга олинсин:

Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан хар йили ажратиладиган давлат субсидияси;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Жамғармага ҳомийлик хайрияси сифатида 1 та хизмат автотранспорт воситаси ва 1 та автобус ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

10. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Курилиш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг:

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 24-уй манзилида жойлашган Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишини ташкил этиш марказининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бино ва иншоотларига (кейинги ўринларда – объект) Жамғармани текин фойдаланиш хуқуки асосида жойлаштириш;

Жамғарманинг самарали фаолият олиб бориши учун обьектда мукаммал таъмирлаш ҳамда замонавий тарзда жиҳозлаш ишларини амалга ошириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

11. Давлат активларини бошқариш агентлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда Жамғармани белгиланган тартибда объектга жойлаштирилишини таъминласин.

12. Белгилансинки, объектда мукаммал таъмирлаш ва замонавий тарзда жиҳозлаш ишларини амалга ошириш доирасида:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси – буюртмачи функциясини бажаради;

бош лойиҳа ва бош пудрат ташкилотлари қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тендер (танлов) савдолари асосида аниқланади;

мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда, объектда ўқув аудиториялари, замонавий лаборатория, кутубхона ташкил этиш, кичик инновацион босмахона фаолияти учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда лифт ўрнатиш лозимлиги инобатга олинсин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия вазирлиги ва Курилиш вазирлиги билан биргаликда Жамғарма қошида ташкил этиладиган ўқув курсларида таҳсил оладиган истеъоддли ёшларни ётоқхона билан таъминлаш масаласини атрофлича ўрганиб чиқиб, икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига асосланган таклиф киритсин.

14. Молия вазирлиги объектни мукаммал таъмирлаш ва замонавий тарзда жиҳозлаш ишларини қисқа муддатда якунлаш учун асосланган ҳисоб-китобларга мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан буюртмачига зарур маблағ ажратилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири И.Ю. Абдураҳмонов зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ёшлар, жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари котибиятига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “18” январдаги 30-сон қарорига  
1-илова

**Истеъодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси  
ТУЗИЛМАСИ**



Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “18” январдаги 30-сон қарорига  
2-илова

**Истеъодли ёшларни кашф қилиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга  
қаратилган “Мирзо Улуғбек ворислари” танловини ўтказиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Истеъодли ёшларни кашф қилиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган “Мирзо Улуғбек ворислари” танловини (кейинги ўринларда – Танлов) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Танлов 16 ёшдан 25 ёшгacha бўлган иқтидорли ёшлар, жумладан, олис ҳудудларда истиқомат қилаётган йигит-қизлар, уюшмаган ёшлар, “Мехрибонлик уйлари” тарбияланувчилари орасидан иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларни ўзлари қизиқсан соҳаларга йўналтириш, илмий-техник ижодкорлиги ва ихтирочилигини рағбатлантириш, инновацион фаоллигини ошириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили ўтказилади.

3. Танловни ташкил этиш бўйича масъуллар Истеъодли ёшларни қўллаб-қувватлаш “Улуғбек” жамғармаси, Ёшлар ишлари агентлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда – Ташкилотчилар) ҳисобланади.

4. Танловда иштирокчиларнинг салоҳиятини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш учун Ташкилотчилар томонидан тасдиқланган тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар вакиллари, мутахассислар ҳамда олимлар аъзо бўлган камида етти кишидан иборат таркибда Танлов комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) тузилади.

**2-боб. Танловни ўтказиш шартлари, муддатлари,  
тартиби ва баҳолаш мезонлари**

5. Танлов иштирокчиларининг салоҳиятини баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш учун Комиссия аъзолари орасидан унинг раиси ва котиби сайланади.

6. Танловда Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларидан 16 дан 25 ёшгacha бўлган барча иқтидорли ёшлар қатнашиш хуқуқига эга.

7. Танловда иштирок этиш истагида бўлган иқтидорли ёшлар маҳсус веб-сайт орқали рўйхатдан ўтади.

8. Ташкилотчилар танлов бошланишидан бир ой олдин ўз расмий веб-сайтига аризаларни шакллантириш, рўйхатдан ўтказиш ва топшириш тартиби, муддати ва талаблари кўрсатилган эълонни жойлаштиради.

9. Ташкилотчилар Танлов иштирокчиларини танловнинг талаб ва шартлари тўғрисида хабардор қиласиди, танлов якунлари бўйича ғолибларга хабар беради ва уларни тақдирлашни ташкил этади.

10. Комиссия котиби рўйхатдан ўтган иқтидорли ёшларнинг маълумотларини умумлаштириб, Комиссия аъзоларига тақдим этади.

11. Танловда иштирок этиш истагида бўлган ёшлар куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиши;

аниқ бир ғоя ёки лойиҳага эга бўлиши;

IQ тест натижаси 110 баллдан паст бўлмаслиги;

танловларда ғолиб бўлганлиги тўғрисидаги диплом, сертификат ёки тавсияномага эга бўлиши.

12. Ташкилотчилар ва ҳомийлик қилувчи ташкилотлар ходимларининг ҳамда Комиссия аъзоларининг яқин қариндошлари Танловда иштирок этиш хукуқига эга эмас (улар ўзини ўзи рад қилган ҳолатлар бундан мустасно).

13. Танлов бир йилда бир марта республика ҳудудлари бўйича босқичма-босқич ўтказилади:

1-босқич – туман ёки шаҳар миқёсида;

2-босқич – вилоят бўйича, шу жумладан, Қорақалпогистон Республикасида ва Тошкент шаҳри миқёсида;

3-босқич – республика миқёсида.

14. Танловни ўтказиш муддатлари:

1-босқич – февраль – март;

2-босқич – апрель;

3-босқич – май.

15. Танловни ўтказиш тартиби:

1-босқичда иштирок этиб, энг юқори натижа кўрсатган 5 нафар ёш йигит қизлар Танловнинг туман (шаҳар) босқичи ғолиби деб топилади ҳамда вилоят босқичига йўлланма олади;

2-босқичда иштирок этиб, энг юқори натижа кўрсатган 20 нафар ёш йигит қизлар Танловнинг ҳудудий босқичи ғолиби деб топилади ҳамда республика босқичига йўлланма олади;

3-босқичда иштирок этиб энг юқори натижа кўрсатган 100 нафар ёш йигит қизлар Танловнинг республика босқичи ғолиби деб топилади.

16. Танлов Жамғарма томонидан Ёшлар ишлари агентлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ўтказилади.

17. Танлов натижалари бўйича ғолиблар ва уларнинг салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар Комиссия баённомасида кўрсатилади ва унинг аъзолари томонидан имзоланади.

18. Танловнинг ҳар бир босқичи бўйича ғолиблар тест синовлари якунлангандан сўнг бир ҳафта муддат ичидан Ташкилотчиларнинг расмий веб-сайтида ҳамда теле-радиоканалларда эълон қилинади.

19. Натижалар Комиссия томонидан баённома билан тасдиқланиб, Ташкилотчиларнинг масъул вакилига тақдим этилганидан сўнг якуний (хал қилувчи аҳамиятга эга) ҳисобланади ва Комиссия қарори бўйича Ташкилотчилар изоҳ бермайди.

### **3-боб. Танлов ғолибларини тақдирлаш**

20. Танловнинг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими натижалар эълон қилингандан сўнг 10 кун ичидан Ташкилотчилар томонидан амалга оширилади.

21. Танловнинг 1, 2 ва 3-босқичлар ғолиблари тегишлича базавий ҳисоблаш миқдорининг 5, 10 ва 20 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти ва тегишли диплом билан тақдирланади.

22. Танловнинг 1 ва 2-босчиқларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, ушбу босқич ғолибларини тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан қопланади.

23. Танловнинг 3-босқичи ғолиблари Жамғарма томонидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида пул маблағи билан мукофотланади.

24. Танловда ғолиб деб топилган истеъдодли ёшлар “Улуғбек” жамғармаси томонидан ташкил этиладиган мақсадли ўқув курсларида бепул таҳсил олади.

25. Ўқиши мувваффақиятли тамомлаган ёшлар ҳудудлар бўйича ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ва тадбиркорларга бириктирилади ҳамда “Ёшлар академияси” ва “Келажак лидерлари клуби”га жалб этилади.

26. Танловнинг республика босқичи ғолибларининг инновацион гоя ва илмий-техник лойиҳаларини хусусий сектор ва тармоқ ташкилотлари, йирик корхоналар ва ташкилотлар томонидан молиялаштириш амалиёти жорий этилади.

### **4-боб Якунловчи қоидалар**

27. Танлов тўғрисидаги маълумотлар ва унинг натижалари Ташкилотчилар ва уларнинг тизимидағи ташкилотлар расмий веб-сайти ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

28. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

